

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

“ЗООТЕХНИЯ” КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-«Зоотехния» (тармоқлар бўйича) йўналиши
4-93 гуруҳ талабаси

Муродов Журабек Шарофхонович

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ҳақиқат фермер хўжалигида “Бушуев зотли ва унинг дурагай
(бушуев х голланд) урғочи бузоқларини экстерьер кўрсаткичларини
таҳлили”

Илмий раҳбар:
“Зоотехния” кафедраси
доценти

Б.Носиров

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Зоотехния кафедраси мудири,
доцент _____ А Холматов
“_____” _____
2013 йил “_____” _____

Зоотехния факултети декани,
доцент _____ У Балласов
2013 йил “_____” _____

Тошкент - 2013 й.

Мундарижа

бетлар

Кириш.....	2-5
1. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....	6
1.1 Бушуев зотининг тавсифи.....	6-16
1.2 Бузоқларни жадал ўстириш технологияси.....	17-19
2. ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАНБАИ ВА УСЛУБИ.....	20-21
2.1 Хўжаликка қисқача тавсифнома.....	22-23
2.2 Тажрибадаги молларни сақлаш ва озиқлантириш шароитлари.....	24-27
3. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ.....	28
3.1 Бузоқларни экстеръери, тирик вазни ва суткалик ўсиши.....	28-35
3.2 Озуқани қўшимча олинган вазн билан қоплаш хусусияти.....	36-37
3.3. Урғочи бузоқларни тана ўлчамлари ва индекси.....	37-43
3.4 Кузатувдаги урғочи бузоқларни айрим клиник кўрсаткичлари.....	43-48
3.5 Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	48-49
Хулоса.....	50
Амалий таклифлар.....	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	52-53

КИРИШ

Ҳозирги даврда чорвачиликни ривожлантиришда генетик жиҳатдан маҳсулдорлиги юқори ва саноат технологиясига мослашган подани ташкил этишни тақазо этади. Республикамизда урчтилаётган зотларни ҳозирги замон технологиясига мослаштириш учун зот ичида селекция ишларини олиб бориш, замонавий янги зот ва типларни яратиш ҳамда жаҳондаги энг юқори маҳсулдорли зотлардан фойдаланиш зарурдир. Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда индустриал усулларни жорий этмоқдалар. Ушбу вазифани бажариш учун наслчилик ишларини яхшилаш, молларни насл сифати ва маҳсулдорлигини такомиллаштириш ҳамда саноат технологиясига мослаштиришни тақазо этади. Молларни маҳсулот сифатини яхшилаш ва саноат асосида сут ишлаб чиқаришни яхшилаш бу соф зотли урчитиш йўли билан, ҳамда жаҳондаги энг яхши зотлардан фойдаланиб янги зот ва типларни яратиш йўли билан амалга оширилади.

Халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлмиш чорвачилик кейинги даврларда фермер хўжаликларининг вужудга келиши муносабати билан йилдан-йилга ривожланмоқда. Хукуматимиз раҳбарлари чорвачиликни ривожлантиришги катта эътибор бермоқдалар. Айниқса, юртбошимиз И.А.Каримовнинг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ПФ-3342 сонли фармони 27 октябр 2003 йил Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 308-сонли қарори (23 март 2006 йил) ва бошқалар бунга мисолдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқда маҳаллий зотларни сут маҳсулдорлигини ошириш учун Голштин, Голланд, Америка селекцияси ва Англер зотларидан фойдаланилмоқда. Чунки уларнинг маҳсулдорлиги юқори бўлиб, ҳозирги технология шароитига юқорида айтилган зотлар яхши мослашган. Бушуев зотли сигирларни ўртача сут маҳсулдорлиги- 2700- 3400 кг

ва сут таркибидаги ёғ миқдори эса 4,0 % ва ундан юқори. Биологик белгилари бўйича иссиқ шароитга мослашган яхши зот ҳисобланади.

Айниқса, қон паразитлар касалликларига чидамлилиги билан Республикамизда урчитилаётган бошқа зотлардан тубдан фарқ қилади. Лекин ҳозирги пайтда замон талаб даражасига сут махсулдорлигини пастлиги жиҳатидан жавоб бера олмайди, шунинг учун уларни сут махсулдорлигини кўпайтириш мақсадида бизда Голштин ва Голанд буқаларидан фойдаланилмоқда. Чунки Бушуев зотида айрим камчиликлар ҳам бор. Яъни бузоқларни тўйимсиз озиқалар билан озиқлантириш натижасида тарик вазнини паст бўлиши ва сигирларни сут махсулдорлиги нисбатан кам бўлишига олиб келди. Натижада экстеръерида ҳам камчиликлар вужудга келди. Сигирларнинг елини устида селекция ишларини олиб бормаслик эса елинни сифат кўрсаткичларини пасайишига олиб келди. Кейинги пайтларда Бушуев зотли молларни бош сони кескин камайиб кетди. Моллар бош сонини ошириш ва махсулдорлигини кўпайтириш учун Ўзбекистон чорвачилик институти олимлари сайл ҳаракат қилмоқдалар. Зотни такомиллаштириш ва сут махсулдорлигини ошириш ҳамда сигирларни машинада соғишга яроқлигини ошириш, тирик вазнини юқори бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигини 1976 йилдаги қарори бўйича Бушуев зотини сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда Голланд зотидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ дейилган.

Республикамиз раҳбарлари охирги вақтда халқ хўжалигини муҳим тармоғи бўлмиш чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда ва бир қанча чорвачиликга оид тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, юртбошимиз И.А.Каримов чиқарган фермерлар ҳақидаги фармойиши ёки наслчилик инспекциясини ташкил этилиши фикримизнинг далилидир.

Маълумки, ҳар бир зотни қайси вилоятга районлаштириш аввало шу вилоятни табиий иқлим шароити ҳисобга олиниб районлаштирилаётган зот

қайси иқлим шароитида яратилганлигига қараб районлаштирилади. Шунинг учун ҳам зотни мосланувчанлик қобилияти шу шароитга мос келиши керак.

Кейинги даврларда кўпгина хўжаликларда бир қанча зот битта хўжаликда урчитилмоқда. Бу эса хўжаликда наслчилик ишларини тўғри олиб боришга бироз тўсқинлик қилмоқда, қайсиким хўжаликда бир хил зот урчитилса шу зотни такомиллаштириш, унинг насл сифатини яхшилаш, зот ичида мақсадга мувофиқ юқори маҳсулдорли янги типларини яратиш бироз енгил бўлади.

Мамлакатимизда урчитилаётган зотларни ҳозирги замон технологиясига мослаштириш учун зот ичида селекция ишларини олиб бориш, зоналар бўйича янги зот ва типларини яратиш ҳамда жаҳондаги генетик жиҳатдан энг юқори маҳсулдорли зотлардан фойдаланиш зарурдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда чорвачилик янги этапга қадам қўйди. Яъни чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларни тоифасига қараб индустриал усуллари жорий этилмоқда. Бу вазифани бажариш учун молларни насл сифатини яхшилашни ҳамда саноат технологиясига мос моллар подасини яратишни тақазо этади. Бундай мақсадларга эришиш эса ҳайвонларни соф ҳолда урчитиш йўли билан ёки жаҳондаги энг яхши зотлардан фойдаланиб янги зот ва янги типларни яратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ана шу мақсадда қайси зотни урчитиш мақсадга мувофиқлигини билиш ва қайси зот хўжаликка иқтисодий самара бериш мумкинлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликда бир хилли зот урчитилса бузоқларини ўсиш ва ривожланишини, унда келадиган камчиликларни тезда ўрганиб бартараф этиш мумкин.

Президентимиз И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида Республикамиз инқирозга тушмаслиги учун нималарга эътибор беришлигини кўрсатиб бердилар.

Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари, орқали сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар

бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилган. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йил кимошди савдоларида 20 минг 300 бош қорамол сотилди. 2009 йилда яна 24 минг 600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан 2008 йилга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

1.1 Бушуев зотининг тавсифи.

Бушуев зотли қорамоллар Сирдарё вилоятининг Мирзачўл зонасида яратилган.

XX-аср бошларида Ўзбекистонда чорвачилик ривожланмаган тармоқ бўлган. Қорамоллар асосан ерни хайдашда ва етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда фойдаланилган. Сут маҳсулдорлигига унчалик эътибор берилмаган. Қишлоқ халқи асосан эчки ва қўй гўшти истеъмол қилганлар. Мол гўшти асосан шаҳар бозорларига олиб борилган. Чўл зоналарини характерли белгиси ёзда иссиқ температурани юқори бўлиши, ҳаво намлигини паст бўлиши, қишда эса совуқ температурани юқори бўлишлигидир. Мана шундай шароитда фақат маҳаллий моллар урчитилган. Улар ана шундай шароитда маҳсулдорлиги жуда паст кўрсаткичга эга бўлган. Энг яхши сигирлари 1 йилда 1500 кг гача сут берган ва уларнинг тирик вазни 250 кг атрофида бўлган. Лекин зебусимон молларни сифат кўрсаткичлари ҳам бўлган, яъни сигирларининг сутини таркибида ёғ миқдори 6 % гача бўлган.

Зебусимон маҳаллий моллар иссиқ шароитга яхши мослашган, улар йил давомида оёқ остидаги ўтларни истеъмол қилиб чўл ва ярим чўл зоналарида ўзларини бемалол хис қилганлар. Энг кераклиси зебусимон моллар қон паразитлар касаллиги билан касалланмайди. Маҳаллий моллар борлиги туфайли чўл зоналари ўзлаштирила бошлаган.

Чўл зоналарида халқларни кўпайиши муносабати билан талаб ҳам тезда ошган. Маҳаллий зебусимон моллар эса халқнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондира олмаганлар. Бу эса чорвачиликни ривожлантиришни тақазо этган. Ушбу зотни яратилиши тарихи XX-аср бошидан боўланган, яъни чўл зоналарини ўзлаштиришдан бошланган. Мирзачўл зоналарига аҳоли кўчиб келиш муносабати билан Европа моллари ҳам олиб келина бошлаган, лекин келтирилган моллар юқори иссиққа ва юқори совуққа чидамаган. Бу эса

маҳаллий шароитга мослашувчан, юқори маҳсулдорли зотни яратишни тақазо этган.

Бушуев М.М (1910) ҳисобот материаллари бўйича, Давидов С.Г.(1929), Абдураззоқов А.А ва Мовшович И.Л (1935), Зюзикин В.В (1938), Сивчик Б.С (1948), Граменицкой А.С (1957), Атбашьян А.А (1956, 1958, 1961, 1968), Мустафаев А.М (1982)ларнинг маълумотлари бўйича Бушуев зотли молларнинг подасининг ташкил этилиши, чўлларни ўзлаштириш тажриба станцияларининг иш фаолияти билан бошланган. Агроном Бушуев М.М (1906-1918) шу станцияни бошқарган. Подадаги маҳаллий сигирларни Голланд, Швиц ва Симментал буқалари билан қочирилган ва олинган дурагайларни яхшилари ўз-ўзидан қочирилган. Тажриба станциясининг (1906) ҳисобот материалига кўра Бушуев М.М 1907 йил 1 январда маълумотида подада 7 та соғлом сигир, 1 та наслдор буқа, 1 та буқача (1 ёш 3 ойлик), 2 та эркак бузоқ ва 2 та 6-7 ойлик бузоқ бўлган. Жами 13 бош қорамол бўлган. 2 та бузоқ Ашхабоддан келтирилган ва улар Хоросан, Альгау зотини дурагайлари бўлган. Подадаги молларнинг ранги турлича бўлган. Яъни қора-ола, қизил, қўнғир ва бошқа ранглар. Подадаги сигирларнинг 300 кундаги сут миқдори ўртача 104 челақ (1248 литр) бўлган.

1925 йилга келиб Бушуев зотли моллар олимларнинг нигоҳига тушиб, улар шуғуллана бошлаган. Биринчи бўлиб профессор Чукаев К.И ушбу зотга диққат билан қараб унинг сифат кўрсаткичларини ўрганган. 1929 йилда Бушуев зотли моллари ҳақида маълумот пайдо бўлди. Профессор Давидов С.Г. маҳаллий молларни ҳам маҳсулдорлигини ўрганиб уларни қон паразитлар касаллигига чидамлилиги иммунитет қобилияти кучли эканлиги, бу эса қондан авлоддан-авлодга ўтишлигини ва бошқа омилларни ўрганиб аниқлаганлар.

Абдураззоқов А.А ва Мовшович И.А (1935) ларнинг маълумотича Бушуев зотли молларни тана ўлчамлари бир-бирига мутаносиб, чунки унинг қонида Голланд зоти бор дейилади. Кейинчалик Бушуев зоти билан махсус текширувлар олиб борганлардан 1936 йилда Зюзикин В.В 1944 йилда

Тавилдарова Т.Ф, 1951 йилда Граменицкий А.С, 1956 йилда Атбашьян А.А ва бошқалардир. Бушуев зоти билан биринчи марта диққат билан ишлаган 1938 йилда Зюзикин В.В. ҳисобланади. У ўз ишида ёзишча биринчидан, тажриба станциясида Бушуев зотини подаси ташкил этилган, зотдорлиги кўпчилигида номаълум бўлган. Асосан Голланд зотининг дурагайлари кўпроқ бўлган; иккинчидан, подада ҳеч қандай наслчилик селекция ишлари олиб борилмаган. Шунинг учун айтиш мумкинки урчитиш онгсиз равишда ҳеч қандай режасиз давом эттирилган. Кўринишча сигир кўпайса маҳсулдорлик ошади дейилган тенденцияда ишлаганлар. Кейинчалик Бушуев зотини ҳақиқатдан маҳаллий моллардан келиб чиққанлиги аниқ бўлиб ҳозирги вақтда ҳақиқатдан ҳам маданий зот эканлиги маълум бўлди. Граменицкий А.С (1957) нинг айтишча, Бушуев М.М томонидан келтириб чиқарилган моллар тўлиқ шаклланган, лекин яхшиланишга муҳтож. Бушуев зотли молларни биринчи навбатда озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш эвазига такомиллаштириш мумкин.

Атбашьян А.А (1968)нинг маълумотича Бушуев зотини яратилишини 4 та асосий этапларга бўлади.

Биринчи этап (1923 йилгача) – зебусимон молларни Голланд ва Швиц буқалари билан чатиштирилган ва олинган дурагайлارни яхшилари ўз-ўзидан урчитилган;

Иккинчи этап (1923-1931) тажриба станциясидаги подада фақат Швиц зотидан фойдаланилган.

Учинчи этап (1931-1936) Бушуев зоти барча подаларда урчитилган ва бир вақтнинг ўзида Остфриз ва Симментал буқалари билан чатиштирилган.

Тўртинчи этап (1936-1948) Бушуев зотли сигирларни хаммасини Остфриз буқалари билан чатиштирилган ва дурагайлари бошка жойларга таркатилган.

1948 йилдан 1953 йилгача Бушуев зоти урчитиладиган регионда ўз-ўзидан урчитиш ишлари олиб борилган. 1953 йилда Бушуев зоти билан

ишлаш учун методик раҳбарликни ЎзЧИТИ олимларини “Қорамолчилик” бўлими ўз қарамоғига олганлар. Мирзачўл зонасида Бушуев номли №10 совхоз Бушуев зотини наслчилик репродуктор хўжалиги бўлиб ташкил этилган. 1953-1955 йилларда бу хўжалик «Гулистон» хўжалиги деб юритилган. Бушуев зоти устида наслчилик ишларини чуқур ва кенг қилиб олиб бориш мақсадида 1957 йилда Сирдарё тумани марказида Давлат наслчилик рассадниги (ГПР) ташкил этилган.

Шундан буён Бушуев зоти урчитилаётган барча фермаларда зоотехник ҳисобот ишлари, молларни банитировкалаш, индивидуал танлаш мақсадга мувофиқ типларни саралаш ва бошқа ишлар ГПР зиммасига юклатилди ва шу ишлар олиб борилди. 1958 йилда А.А. Атбашьян томонидан Бушуев молларини 1 давдат наслчилик китоби нашр этилди. 1961 йилда А.А. Атбашьян 1961-1965 йилларга мўлжалланган Бушуев зотли гуруҳ моллари билан ишлаш ҳақида селекцион наслчилик режаси тузилди. Ушбу тадбирга мувофиқ 1954-1964 йилларда Бушуев зотли молларининг миқдори анча ошди ва маҳсулдорлиги кўпайди.

1965 йилда Бушуев гуруҳли молларни зот деб тасдиқлаш учун қишлоқ хўжалик вазирлигига савол ташланди. 1966 йил Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан профессор Е.А. Арзуманян раислигида комиссия ташкил этилди ва ГПР миқёсидаги Бушуев моллар сони ва маҳсулдорлиги тўлиқ ўрганиб чиқилди. 1967 йилнинг май ойида бу зот сут йўналишидаги Бушуев зоти деб тасдиқланди. Бушуев зоти кам маҳсулдорли зотларни яхшиловчи зот сифатида фойдаланилади.

Хозирги Бушуев зотли молларни ранги оқ, танасининг айрим жойларида қора нуқталари бор, катталиги ўртача. суяклари йирик, гавдаси танасига нисбатан мутаносиб жойлашган, маҳсулдорлигини авлоддан-авлодга ўткази олади.

Бушуев зотли молларни Ўзбекистон бўйича миқдори 1964-1990 йилгача қуйидаги жадвалда берилган.

Бушуев зотли молларини бош сони

Йил	Жами моллар	Шундан сигирлар
1964	11204	3241
1969	17130	4550
1974	22211	6475
1980	19509	7209
1985	12719	5144
1990	7584	3172

Ушбу жадвал маълумотича 01.01.1986 дам бошлаб 01.01.1991 йилларда Бушуев зотли моллар сони 5135 бошга ёки 40.4%га камайиб келган. Сигирлар бош сони эса 1972 бошга ёки 38,3%га камайган. Ушбу зот Тошкент, Самарканд, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпакистон республикасида тарқалган эди. Ҳозирги пайтда ушбу зот асосан Сирдарё вилоятида қолган. Бушуев зоти урчитилаётган зоналарда бир неча йиллардан буён тўйимсиз бир хилли озуқалар билан озиқлантириш натижасида, омукта емларнинг озлиги ёки умуман бўлмаслиги ширали озуқаларни бўлмаслиги ва бошқа бир қанча омилларнинг таъсири натижасида бузоқларнинг ўсиши нормада эмас. Натижада уларнинг тирик вазни паст бўлмоқда. Буларнинг барчаси молларни эстеръерига салбий таъсир кўрсатмоқда, танасининг шакли бурчаксимон, беллари букчайган, суяклари ингичка, елин шакллари талаб даражасида эмас ва бошқалар. 1970 йилларда Бушуев зотини такомиллаштиришда жадал ишлар олиб борилган. Наслчилик ишларининг кенг қўламда олиб бориш натижасида уларнинг тирик вазни ва сут махсулдорилиги юкори бўлган. Бушуев зоти маҳаллий зебусимон моллардан келиб чиққанлиги учун ҳам тирик вазни ва ташқи кўринишидан бошқа зотларга рақобат қила олмайди. Бушуев зотли сигирлар ва бошқа зотларнинг экстеръеридаги айрим тана ўлчамлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бушуев зотли сигирлар ва бошқа зотли сигирларни тана ўлчамлари (см)

Тана ўлчамлари	Қора ола зоти n=259 (совхоз Чиноз 1966 Э.Ю. Карчевский)	Зебусимон моллар n=650 (А.А Атбашьян 1968)	Бушуев зоти n=389 (А.М Мустафаев 1973)
Ярим баландлиги	129,7	107,4	126,1
Сағрин баландлиги	137,0	113,4	130,1
Кўкрак чуқурлиги	70,1	56,6	65,6
Кўкрак кенглиги	42,8	34,2	40,0
Чўқкилар кенглиги	55,6	37,8	49,5
Тос болдир суяк бирлашмаси кенглиг	50,3	-	44,1
Гавданинг қия узунлиги (таёқда) (лентада)	154,9 165,2	131,3	157,5
Орқанинг қия узунлиги	52,7	-	47,5
Кўкрак айланаси	198,8	145,0	180,0
Поча айланаси	20,0	13,7	18,0

Ушбу 2-жадвал маълумотича Бушуев зотли сигирларнинг тана ўлчамлари қора-ола зотига яқинроқ туради Масалан: Яғрин баландлиги бўйича Бушуев моллари 8.7 см зебусимон молларидан юқори туради, лекин 3.6 см қора-ола зотидан паст туради. Кўкрак айланаси зебусимон сигирларидан 35.0 см юқори ва қора-ола зотидан 18,8 см паст; Гавданинг қия узунлиги 26,2 см юқори ва 7.7 см кам. Бушуев зотли сигирларнинг тана ўлчамлари зебусимон сигирлардан анча юқори. Зебусимон молларда характерли белги тирик вазн кам ва ташқи кўриниши талабга жавоб бермайди. Шундай қилиб, Бушуев зотини яратиш жараёнида озиклантириш ва сақлаш шароитини яхшилаш ва танлаш, саралаш натижасида тана тузилиши эйрисом типига ўзгарди, бу эса сут йуналишига хос типдир. А.А Атбашьян (1968)нинг таъкидлашича Бушуев молларининг подасини тана тип тузилиши 1954 йилдаги молларга нисбатан экстерьер тузилиши анча ижобий томонга ўзгарган. Ҳозирги вақтда Бушуев зотли молларни танаси гавдасига нисбатан мутаносиб ривожланган. Уларнинг калласи қуруқ ва енгил. Бошини узунлиги бўйича сут йуналишига хосдир. Бўйин ўртача узунликда, териси эластиклиги, чўзилувчан. Лекин кўкрак кенглиги етарлича эмас, кўкрак чуқурлиги эса нормада. Суяклари мустаҳкам, дағал эмас, чидамли. Елин ҳажмининг катталиги ўртача. Бушуев сигирларининг териси зич, эластикли, ўргача қалинликда. Ранги ўзига хос рангда (О.А Иванова 1931: С.Г Давидов 1936) қулоғи қора, бурун атрофи ҳам қора рангда, Танасида қора жун билан қопланган нуқталари бор. Ранги бошқа зотлар билан чатиштирганда тўлик авлоддан- авлодга ўтади. (А.А Атбашьян. 1968). Бушуев зотини экстерьерлари анча яхшиланган бўлсада, барибир экстерьерда айрим камчиликлар мавжуд. Айниқса тананинг орқа қисми пастга тушган, кўкраги тўлик етилмаган, елини ривожланиши талаб даражасида эмас. Бушуев зотини энг сифатли биологик кўрсаткичларидан бири -бузоқларининг юқори жадал равишда ўсишидир. А.А. Атбашьян ва А.Д Попова (1963) маълумотича ушбу зотнинг бузоқлари тўйимли озуқалар билан озуклантирилганда суткасига 800-1000 гр,дан ўсади. 12 ойлик бузоқларнинг

тирик вазни 220-240 кг, 18 ойлигида эса 280-340 кг бўлади. Бушуев молларида жинсий деморфизм яққол билиниб туради. Буқаларида гавданинг олдинги қисми кучли ривожланган. Сигирларда эса гавданинг ўртанги ва орқа қисми яхши ривожланган. М Нортаджиев(1969) маълумотича, Бушуев моллари бўрдоқига қўйилганда ўртача суткасига 700-800 гр.дан ўсади, айримлари эса суткасига 1000 граммдан. Буқачалари 12-15 ойлигида тирик вазни 350-410 кг, 1кг семиришга 6,0-6,5 оз.бир сарфланади. Суйим чиқими эса 55-59%. Сигирларнинг ўртача тирик вазни 400-450 кг, наслдор буқалари 750-1000 кг келади.Гўштининг сифати наслий-биологик хусусияти билан характерланади.Текширишлар шуни кўрсатадики Бушуев зотли молларнинг гўшти қора-ола зотига нисбатан юқори сифатга эга(оқсил-1 8,3 1%, ёғ 19,13% сув-61,64% ва кул -0,92%), тўйимли моддаларга бой ва юқори калорияли (А.А Абдурашитов, 1959). Бушуев зотли сигирларни тўйимли озуқалар билан озиқлантирганда ва раздой қилинганда 4-5 минг кг.гача сут берган, сут таркибидаги ёғ миқдори эса 4-4,2% бўлган. Масалан, Янги Хаёт хўжалиги «Амбарбарис» фермасида царевна 538-9-лактациясида 7104 кг, ёғлиги 4.1 1% ёки 292 кг сут ёғи чиқими бўлган Искра 80 сигиридан 6897 кг сут, ёғлиги 4,09% ёки 282 кг сут ёғи чиқими булган. Шунга ўхшашида-444, Абхазия 504 номерли сигирларидан -6573,4.02 ва 264; 6543, 4.03 ва 2.63 тегишлича бўлди. Ушбу рақамлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдам ҳам Бушуев зотли сигирларнинг сут бериш қобилияти юқори эканлиги ва ёғлилик даражаси ҳам юқори экан. Сутини таркибидаги ёғ миқдори бўйича Бушуев зоти Ўзбекистонда урчитилаётган бошқа зотларга нисбатан юқори. Сигирларнинг сут махсулдорлиги бўйича баҳолашда асосий кўрсаткичлар сут таркибидаги тўйимли моддалар (ёғ, оқсил, витамин ва бошқалар)хисобланади. Ш.А Акмалхонов (1961) маълумотича Бушуев зотли сигирларнинг сути таркибида қора-ола зотига нисбатан 22,6% ёғ, 10,9% оқсил, 34,5 % каротин, 25,5% витамин А, 8% қуруқ модда юқори бўлади. Сутнинг калория бериши эса 12% юқори бўлар экан. Шундай қилиб, Бушуев зотли сигирларнинг сутини таъми

ва физик хоссалари, қора-ола зотига нисбатан юқори турар экан. Бушуев зоти молларининг энг асосий хусусиятларидан бири, бу Республика мизнинг экстремал шароитига мослашганлигидир. Шунинг учун ёзги пайтда юқори температура молларда озуқаларнинг хазм бўлишида, модда алмашинувида ҳеч қандай депрессия чақирмайди. Бушуев зотли моллар иссиқда ўзларини бемалол хис этади. А.М Мустафаев (1980) маълумотига кўра Бушуев зотини 5 та тизими мавжуд. Булар Мота ШЭ-3, Петька ПЮ-4, Робин ШЭ-6. Рекорд ШЭ-5 ва Гусар ШЭ-10. Ушбу тизимлар Бушуев зотининг шаклланишида ва такомиллаштиришда катта хизмат қилганлар. Ушбу тизимлардан энг кўп тарқалгани Рекорд ШЭ-5 ва Гусар ШЭ-10 дир. Гусар ШЭ-10 тизимига мансуб бўлган сигирларнинг сут махсулдорлиги бошқа тизимларга нисбатан 17-24 % юқори. Мота ШЭ-3 тизимига мансуб бўлган сигирларнинг сути таркибидаги ёғ микдорм 7-14% ни ташкил этади. Бошқа тизимлар эса 4,04 ва 4.1 1%дир.

А.А Атбашьян (1958) маълумотича Бушуев зотли молларни Давлат наслчилик китобининг 1-томида 285 та мол, шундан 224 та сигир ва 61 та буқа қайд этилган. А.М Мустафаев (1982) маълумотича 2-томда 613 та мол, шундан 568 та сигир ва 45 та буқа қайд этилган. Ушбу 2-томда сигирлар 1-соғим даврида ўртача 2220 кг дан сут берганлар. 2-соғим даврида 2534 кг, 3 ва ундан кўп туққан сигирлар 2790 кг сут берганлар. Бушуев зоти учун энг характерли белги юқори температурага ва қуруқ иқлим шароитига чидамлилиги ва яхши мослашганлигидир. Асосий қимматлиги унинг иммунобиологик сифатидир. Маълумки, барча қорамоллар лейкоз касали билан касалланиб хўжаликка кўп зарар келтиради. Ўзбекистон Ветеринария илмий тадқиқот Институти олимларининг берган хулосаси бўйича Бушуев зоти лейкоз касаллигига чидамлидир. Бундай энг қимматли хусусиятларидан фойдаланган ҳолда янги зотлар ва тизимлар яратиб, ана шундай ашаддий касалликдан воқиб бўлиш мумкин. Шундай қилиб, Бушуев зотини асосий хўжалик-биологик хусусиятлари, экстремал шароитларга мосланувчанлиги ва

иммуно- биологик сифатларнинг мавжудлиги қимматли зот эканлигидан далолат беради.

Лекин молларни саноат технологиясига бўлган талаблар ошиб бораётганлиги учун ушбу зот қора-ола зотига нисбатан рақобат қила олмайди. Шунинг учун бу зот келгусида такомиллаштиришни талаб этади. Айниқса сут махсулдорлиги, саноат технологиясида сут ишлаб чиқаришда машинада соғишга яроқлилиги, елиннинг морфологик ва физиологик хоссаларини яхшилашни талаб этади. Хозиргача Бушуев зотли молларни генетик жихатдан яхшилашда асосий усул зот ичида мақсадли селекция ишларини жадал олиб бориш оқсамокда. Буни хозир ва келажакда дархол йўлга қўймок лозим. Шу билан биргаликда зот ичида мақсадга мувофиқ типларини олиш учун, янги тизимларини яратиш учун, илмий ва хужалик йуллари қидирилмокда. Шулардан энг асосийси Голштин, Голланд ва Қора-ола зотли наслдор буқалардан фойдаланишдир. Бушуев зотини юқори махсулдорли кариндошли зотлар билан чатиштириш кенг тарқалмаган. Шунинг учун қариндошли жуфтлаштириш қўлланилганда, пушторлик хусусиятларига хавфли таъсирини ва конституциясини бўш бўлиб кетишига алохида эътибор бермок зарур.

Қуйидаги жадвалда Бушуев зоти урчитиладиган зоналарда 1985-1990 йилларда пода бўйича 1 та сигирга сарфланадиган озуқа миқдори келтирилган.

Сигирлар рационининг структураси.

Хўжаликлар	Озуқалар				Оз.бир
	Дағал	Ширал	Кўк	Омухта ем	
Янги ҳаёт	12,3	49,0	58,5	8,4	3015
	18,5	26,0	29,0	26,5	
Турон	14,1	42,0	45,5	14,3	2992
	14,3	22,4	22,7	40,6	
Ҳақиқат	12,0	51,0	51,7	7,7	2910
	18,5	28,0	31,1	22,4	

* юкоридаги ракамлар- ц

Пастдаги ракамлар- %

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики рацион структурасида дағал озуқалар 14,3% дан то 18,5% гача бўлмокда. Ширали ва кўк озуқалар 45% дан 59% гача омихта емлар 22.4 дан 40,6% гача бўлган. Киш пайтида рацион структурасини асосан дағал (пичан) на ширали (макка силоси) ва хашаки лавлаги ташкил этган. Сирдарё туманининг Ҳақиқат хўжалигини «Сут товар» фермасида илмий-амалий тадқиқот ўтказилган. Қиш пайтида бузоқлар хонада сақланган. Бузоқхонада бузоқлар эркин ҳолатда жойлашган. Ёзда айвони бўлган очиқ майдонда моллар сақланган. Ушбу хўжаликнинг озиқлантириш ва сақлаш шароитлари, ҳозирги талаб даражасига анча жавоб беради. Шундай қилиб, Бушуев зотли молларни бош сонини ошириш, унинг зотдорлигини яхшилаш, келажакда махсулдорлигини ошириш, насл сифатини яхшилаш биринчи навбатда озиқлантириш ва сақлаш шароитига озуқа базасига ва наслчилик ишини жадал олиб боришга боғлиқдир.

1.2 Бузоқларни жадал ўстириш технологияси.

У.Носировнинг (2002) тадқиқодларича қорамолларни ширали озуқа ва дағал озуқалар билан боқиш биологик нуқтаи назаридан аҳамиятга молик бўлган. Чунки серқувват озуқалар қорамолларнинг ўсиш ва ривожланишида ижибий таъсир кўрсатади. Ш.А.Акмалхонов (1984) М.И.Ашировларнинг (1994) ўтказган тажрибалари шуни кўрсатадики ёш молларга ширали озуқалар кўп берилганда улар турғин ўсиб касалликларга чалинмаган, энг муҳими уларнинг тирик вазнини ошириш учун озуқа нисбатан кам сарфланган. С.А.Ламанов, С.В.Погодаев (2003) тадқиқотларида голштинлаштириш бузоқларнинг тирик вазни 18 ойлигида соф зотли тенгқурлариникига нисбатан 3.8 кг юқори бўлганлиги кузатилган. А.Т.Мысик (2005) фикрига кўра сигирлар маҳсулдорлиги ва тирик вазнини оширишда жаҳон генофондига хос зотларнинг генетик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва молларни озуклантириш шароитини яхшилаш энг муҳим усуллардан бўлиб ҳисобланади.

М.О.Боратов (1983), О.В.Иванова (1986), Н.И.Пикина (1987) тадқиқотларига қараганда қора-ола зотли сигирларни голштин зотли буқалар билан чатиштиришдан олинган авлодни тирик вазнини оширишга, экстерьер кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилашга ва танаси мутаносиб ривожланган сигирлар олишга ижобий таъсир этганлиги кузатилди. А.А.Рахмонкулов (1995) тадқиқотларида қора-ола зотли моллар подаларида голштин зотининг турли тизимлардаги буқалардан чатиштиришда фойдаланиш, уларнинг тирик вазнини ошириш билан бирга, уларнинг экстерьер кўрсаткичларини ҳам сезиларли даражада яхшилаш имкониятини берганлиги кузатилди.

С.С.Ибрагимов (1991) тадқиқотларида бушуев ва голштинлаштирилган қора-ола зотли бузоқларни тўла қийматли озуклантириш бир хил шароитда ўстириш, уларнинг тирик вазнини туғилганидан 18 ойлигигача 13-14 марта

ошириш имкониятини берган ва улар 1 кг тирик вазнига 7,25-7,75 озуқа бирлигини сарфлаган.

П.Н.Прохоренко, Б.П.Завертяев (2004) фикрига қараганда, қора-ола зотли моллар подаларида чатиштиришда голштин зотига мансуб буқалардан фойдаланиш, олинган дурагай бузоқларнинг 18 ойлигида тирик вазнини 57,6 кг га ошириш имкониятини беради.

А.Саматовнинг (2004) ёзишича охириги йилларда қора-ола зоти билан голштин зотини чатиштириш натижасида Тожикистон Республикаси Шимолий ҳудудида янги пода гуруҳи яратилмоқда. Ҳар хил генотипли буқачалар вазни 24 ойлигида 628,5; 635,0; 658,3 кг га етган. Қорамолларнинг махсулдорлигини ошириш ва насл сифатини яхшилашни 2 та усули мавжуд:

1. Соф зотли урчтитиш
2. Чатиштириш

Мамлакатимизда ва чет эл амалиётида чатиштиришни илгаридан кенг қўллаб келмоқда. Чорвачиликни қайтадан ташкил этишда бизнинг мамлакатимизда чатиштиришни қон сингдириш усули кенг жорий этилган. Бу услдан ташқари махсулдорли сўйишга мўлжалланган моллар олиш учун эса саноат усулида чатиштиришда кенг фойдаланилмоқда.

Е.А.Богданов (1924) шундай деб ёзган эди. Яъни оддий ёки қимматли зотни яратишда, қон қуйиш усули мақсадга мувофиқдир. Чатиштиришнинг бу усли маҳаллий зотларда энг яхши белгилари сақланиб қолган ҳолда, ёмон белгилари ёки талабга жавоб бермайдиган белгиларини юқори махсулдорли зотлардан бир марта фойдаланиб ўзгартириш учун қўлланилади. П.Н.Кулешов (1947)нинг кўрсатишича маҳаллий моллардаги фойдали белгиларни сақлаб қолинса, уларни шароитга мослашувчанлик қобилиятини сақлаб қолган бўламиз дейди. Уларни тез етилувчанлигини, гўшт ёки сут миқдорини кўпайтириш учун эса маданий зотлар қонидан фойдаланмоқ лозим.

И.Иоганссон ва ДЖ.Лаш (1963)ларнинг маълумотларига кўра чатиштиришни қон қуйиш усулининг хулосаси шуки, яхшиловчи зотни гени

яхшиланувчи зотга ўтиб, айрим белгиларини ўзгартиради, лекин яхшиланувчи зотни тубдан ўзгартирмайди.

Е.А.Арзуманян (1984)ни маълумотича биринчи бўғин дурагайлар яъни 2 зотни ўзаро чатиштирганда ҳар доим барча белгилари бўйича юқори бўлавермайди. Муаллифни ёзиши бўйича гетерозис айрим гуруҳни белгиси ва хусусиятларида ўз белгисини ифода этади. Ана шундай маълумотларни A.Rose (1967), C.Ciripur, J.Berry (1966) ўзларининг илмий ишларида аниқлаб, гетерозис барча зотларда бир хил кўринмайди дейди. Уларнинг фикрича, зотлараро чатиштирганда 2 та зот ҳам 1 хил йўналишда бўлса натижа яхши бўлади дейдилар. Бунда яхшиланувчи зотни яхши белгилари дурагайларда сақланиб қолади. Қон қуйиш усулини қўллаганда олинган биринчи бўғин дурагайларини яхшиланувчи зот билан чатиштирилади.

Охирги йилларда қорамолчилик билан нслчилик ишини олиб боришда қон қуйиш усули турли зотларда қўлланилмоқда. Турли мамлакатларда Қора-ола, Қизил чўл, Симментал, Қизил Горбатов, Лебедин ва бошқа зотларни яхшилаш учун Голланд, Голштин, Англер, Жерсей, Айршир ва бошқа зотлардан фойдаланилмоқда. Украина, Сибир ва Россиянинг шимолий вилоятлари хўжаликларида Қора-ола зотини чет мамлакатлардан келтирилган Голланд ва Голштин зотлар билан чатиштирилмоқда. Украина, Кубан, Кавказ хўжаликларида Қизил чўл зотини Шортгорн ва Англер буқалари билан чатиштирилмоқда.

М.О.Боратов (1983), О.В.Иванова (1986), Н.И.Пикина (1987) тадқиқотлари натижаларига кўра, Қора-ола зотли сигирларни Голштин зотли буқалар билан чатиштиришдан олинган авлодни тирик вазнини оширишга, экстерьер кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилашга ва танаси гавдасига нисбатан мутаносиб ривожланган сифатли бузоқ олишга ижобий таъсир этганлиги кузатилган. П.Н.Прхоренко, Б.П.Завертяев (2004) фикрларига қараганда, Қора-ола зотли қорамоллар подаларда Голштин зоти


билан чатиштиришдан олинган дурагай моллар амалиётда яхши натижа бермокда.

2. ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАНБАИ ВА УСЛУБИ.

Илмий тадқиқотлар Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги “Ҳақиқат” хўжалигини қорамолчилик фермасида ўтказилди. Тажриба учун ўхшашлик белгиларига асосан, буқаларни келиб чиқиши, ёши, тирик вазни, оналарининг тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда, биринчи туққан соф бушуев зотли ва биринчи бўғин дурагайли (Бушуев х Голланд) сигирларни болалари танлаб олинди. (тасвир 1)

Тасвир 1

Тадқиқот тасвири.



Тажриба гуруҳларига йилнинг битта фаслида, яъни 3 ой давомида (декабрь, январь, февраль) туғилган бузоқлар танлаб олинди. Бузоқларнинг тирик вазни туғилганда, 3,6,12,18 ойлигида тирик вазни (эрталаб озуқа бермасдан) тарозига тортиб ўрганилди. Бузоқларнинг экстерьер ва тана тузилиши 3,6,12,18 ойлигида 9 та тана ўлчамларини:

Яғрин бандлиги;

Сағрин баландлиги;

Кўкрак кенглиги;

Кўкрак чуқурлиги;

Кўкрак айланаси;

Гавданинг қия узунлиги;

Чўққилар кенглиги;

Бошининг узунлиги;

Поча айланаси.

ва шулар асосида унинг индексларини ҳисоблаб чиқиш орқали ўрганилди.

Озуқани вазн билан қоплаш даражаси В.Е.Недава, Ю.П.Степенко (1971) услубида аниқлади. Бузоқларнинг клиник кўрсаткичлари (тана ҳарорати, нафас олиш ва юрак уриш тезлиги) Е.А.Арзуманян (1957) усули бўйича аниқланди.

Дурагай бузоқларни урчитишни иқтисодий самарадорлиги ҳар бир молга кетган ҳаражат ва ундан олинган маҳсулот қиймати ўртасидаги фарқни ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Барча олинган маълумотлар Е.К.Меркурьева (1970) услубида биомерик ишлов берилди.

2.1 Хўжаликка қисқача тавсифнома.

Бизнинг илмий ишимиз Сирдарё вилояти Сирдарё вилоятидаги “Ҳақиқат” фермер хўжалигини қорамолчилик фермасида бушуев зоти устида олиб борилмоқда. Хўжалик улуғ Ватан уруши олдидан ташкил қилинган. Хўжаликнинг асосий йўналиши пахтачилик бўлиб, хўжаликда асосан қорамол шундан 3010га ер майдони хайдаладиган ер. 2137га жойга пахта ва ғалла экилади. 106га ерга кўп йиллик экинлар, 20 га ерга силос учун маккажўхори, 4га жойга лавлаги экмлади. Охириги 5 йил ичида сут ишлаб чиқариш ва давлатга топшириш бўйича вилоятда олдинги ўринларда бормоқда.

Ҳар 100 бош сигир ва 2 ёшдан ошган таналардан 1995-2005 йилларда 76-86 танадан бузоқ олинган, охириги 5 йил ичида гўштга топшириладиган молларнинг тирик вазни 440-460 кг ни ташкил этмоқда.

Хўжаликда 1 январ 2013 йилда жами 269 бош мол бўлиб, шундан 104 таси сигирлардир.

Ушбу хўжаликда бушуев зоти билан Ўзбекистон чорвачилик институти олимлари ҳам иш олиб бормоқдалар. Бушуев зоти устида наслчилик ва селекция ишларини олиб бориш натижасида мавжуд молларнинг зотдорлиги ва класи ҳам анча яхшиланган. Масалан, 1976 йилда 3-4чи бўғиндагилар ва тоза зотлилар 47,3 %ни ташкил этган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 76,2 %ни ташкил этди. 1990 йилда 82,1%ни ташкил этган. Сигирларнинг сут махсулдорлиги ҳам шу давр ичида 2834 кг га кўтарилди. Агарда сут таркибидаги ёғ миқдорини солиштириб анализ қиладиган бўлсак 3,97%гача ўсганлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари сигирларнинг элита-рекорд ва элита ҳамда биринчи классга мансубларини сони 43,9% дан 84,6% гача кўпайган. Катта ёшдаги сигирларнинг тирик вазни 474 кг дан 496 кг гача бўлган. Хўжалик фермасида ғуножинларни туғишга тайёрлаш ва биринчи туққан сигирларни сут бериш қобилятини аниқлашга алоҳида аҳамият берилади. Айниқса биринчи туққан сигирларни машинада соғишга яроқли ёки яроқсиз эканлигини туққандан сўнг соғимини биринчи кундаёқ шарт-шароит яратиб аниқлана бошланади. Сут бериш қобилятини тўғри аниқлаб ўз вақтида сут махсулдорлигига тўғри баҳо беришни таъминлайди.

“Ҳақиқат” хўжалиги ўзининг тарихида Гулистон, Сайхунобод ва бошқа туманларининг хўжаликларига Бушуев зотли молларни яхшилашда амалий ёрдам бериб келганлар. Хатто Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларига ҳам Бушуев зотли молларни сотиб, у жойларда шу зотни кўпайтиришга хисса қўшганлар. Ҳиндистон мамлакатидан ҳам келиб ушбу зотга қизиқиб шу хўжалик тарихи ва чорвачилигини ўрганганлар. 1980-1981 йилларда 418 та Бушуев зотли бузоқларни харид этганлар. (Шундан 31таси эркак ва 387таси

урғочи бузоқлар). Ушбу сотилган бузоқларни 47,4%и элита-рекорд ва элита классига ва 52,6%и 1 классга мансуб бўлганлар.

Бузоқларни системали равишда ўстириш, сигирларни индивидуал раздой қилиш ва бошқа зоотехникавий тадбирларни мунтазам равишда олиб бориш натижасида Бушуев зотли сигирларни сут йўналишидаги типлари кўпаймоқда. Хўжаликдаги моллар йирик, тўлишган, кўкраклари ва мускуллари яхши ривожланган. Хўжаликда молларни сақлаш шароитлари талаб даражасида. Алоҳида молхона ва бузоқхоналар мавжуд. Оғир ишлар-суғориш, озуқа тарқатиш, гўнглари чиқариш, соғиш ишлари механизацияланган. Озуқаларни аралаштириб, қайта ишлаб молларга берилмоқда.

2.2 Тажрибадаги молларни сақлаш ва озиқлантириш шароитлари.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини махсулдорлиги 2 хил йўл билан ошириш мумкин.

Биринчидан: Мавжуд бўлган молларни такомиллаштириб, янги юқори махсулдорли зот, тизим, оила во типларни яратиш йўли билан;

Иккинчидан: озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яратиб, бузоқларни мақсадли йўналишда ўстириш йўли билан;

Зоотехника фанининг асосчиларини фикрича, ёш бузоқларни тўйимли озуқалар билан озиқлантириб, ўстирилса уларнинг тана тузулиши ўзгариб ўсиш тезлиги кучаяди ва махсулдорлиги юқори бўлади.

Ҳозирча П.Н.Чирвинский (1949) нинг хулосаси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ушбу олимнинг айтишича кўй, қорамол ва чўчқаларнинг суягини ўсишига биринчи навбатда озиқлантириш асосий омил бўлиб ҳисобланади. Агарда ёш моллар ёмон шароитда боқилиб, озиқлантирилса суягини ўсиши пасаяди ва тирик вазни яъни, массаси кам бўлади. Массасини ўсиш коэффиценти пасаяди. Ушбу идея зоотехника фанига Чирвинекий қонуни бўлиб кирган. Массасини ўсиш коэффицентини у айтганки ўсиш давларида суяклари неча марта катталашганлигини билиш мумкин. Кейинги текширувларда А.А.Малигонов ва бошқалар аниқладиларки Чирвинский қонуни кенг маънода ўсишдан қолиш (етишмовчилик) деб атадилар. Аниқланишича ўсиш ва ривожланиш деганда нафақат тўқима ва органлар, балки бутун организм тушунилар экан. П.Н.Чирвинский таъкидлайдики ёмон озиқлантириш организмни шаклланишини пасайтиради, суякларни ўсишини 1,5-2 мартага қисқартиради.

Етарли даражада озиқлантирмаслик аломати суякларни ўсишига салбий таъсир кўрсатиб, бузоқларни кейинги ўсиш давларида ҳам аломатлари сақланиб қолади.

П.Н. Чирвинский биринчи бўлиб, маҳаллий молларни туғилган пайтидан тўйимли озиқалар билан озиқлантириш, уларни махсулдорлигини оширишни реал йўли билан исботлаб берган. Тўйимли озиқа билан озиқлантириш ҳайвонни нафақат ўсишини тезлаштиради, балки тана тузулишини яхшилади ва тирик вазни юқори бўлади.

А.А.Малиганов (1925) қишлоқ хўжадик ҳайвонларини ўсишини ўрганиб янги қонуниятни ўрнатди. Унинг хулосаси бўйича ўсиш тезлигини пасайиши ва молни тана жуссасини кичик бўлиши жинсий етилишни ва бола беришни

кечиктиради. Етарли озиқлантирмаслик, ўсишни пасайтириб, организмни тўлиқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

П.Н.Кулешов(1949) нинг аниқлашича озуқа таъсири натижасида турли органларнинг функцияси ўзгаради, яъни яхши озиқлантирилса органлар функцияси тезлашади ва аксинча .

Е.А.Богданов (1947) нинг ҳисоблашича бузоқларни тўйимли озиқа билан юқори даражада озиқлантирилса ҳаётининг биринчи кундаёқ, шу зотнинг мақсадга мувофиқ типлари намоён бўла бошлайди.

Н.Ф.Ростовцев (1961) бузоқларни тўйимли озиқлантиришни юқори баҳолаб айтадики молларни жадал озиқлантириш, экстерьердаги айрим камчиликларни тўғрилашга олиб келади.Яъни танасининг торлиги, суякларининг ингичкалиги, орқа ўтиргич суякларининг торлиги йўқолади.

П.Д.Пшеничный (1958) Фёдоров (1973) А.П. Дмитроченко П.Д. Пшеничный (1975) ва бошқа олимларнинг исботлашича 5-6 кун кам ва 5-6 кун озиқлантиришни молларни ўсишини тезлаштириб, қўшимча озиқа беришни талаб қилмас экан. Бузоқларни ойлар бўйича бир текисда ўсишини таъминлар экан.

Х.Ф.Кушнер (1964) дурагай молларни биологик хусусиятлари тўғрисида гапириб айнан гетерозисни вужудга келишини айтиб, дурагай молларни организмни юқори миқдорда озиқлантириш туфайли, ўсиш энергиясини юқори бўлиши махсулдорликни юқори бўлишини таъминлайди.

Бизнинг тажрибамизда урғочи бузоқларни озиқлантириш ва сақлаш ҳар икки гуруҳда бир хил бўлади. Бузоқлар туғилганидан то 10 кунгача онаси билан бирга бўлдилар ва 20 кунгача индивидуал катакларда сақландилар.

Кейинчалик 5-7бошдан гуруҳ-гуруҳ қилиб сақландилар. Ёзда навеслар остида бўлдилар. Урғочи бузоқларга сарфланган озуқа миқдори 18-ойликкача қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 5

**Гуруҳлар бўйича сарфланган озуқа миқдори (бир бошга кг ҳисобида)
(Носиров Б. маълумоти)**

Озуқалар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
Ёғи олинмаган сут	258	263
Ёғи олинган сут	402	402
Беда пичани	1080	1134
Макка силоси	3248	3236
Омихта ем	644	644
Кўк масса	1984	2122
Ярим қандли лавлаги	148	148
Озуқа таркибида сақланади:		
Озиқа бирлиги	2345,4	2396,15
Хазм бўладиган протеин	332,9	343,8
1 кг озуқа бирлигига тўғри келадиган хазм бўладиган протеин (гр)	142	143

Озуқаларнинг умумий тўйимлилиги урғочи бузоқларнинг 18 ойлигигача ўстирилганда назорат гуруҳида 2345,4 кг оз.бирни ташкил этди. Тажриба гуруҳида эса 2396,15 кг оз.бир бўлди. Назорат гуруҳида 1кг оз.бирлигига 142 грамм хазм бўладиган протеин миқдори тўғри келди. Тажриба гуруҳида эса 143 грамм.

Урғочи бузоқларнинг 18 ойлигигача ўстирилганда уларга 45,5% сувли ва ширали озуқалар, 21,2% дағал озуқлар ва 26,2% омихта емлар ҳамда 6,7% сутли озуқалар тўйимлилиги бўйича сарфланди.

Урғочи бузоқларни ўстириш жараёнида даврлар бўйича сарфланган озуқаларни миқдори(тўйимлилиги бўйича) қуйидаги жалвалда келтирилган.

Жадвал 6.

Даврлар бўйича сарфланган озуқа миқдори (бир бошга)

Ўстириш даврлари ва ҳисобида		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
0-6	Озиқа бирлиги	487,2	492,7
	1кг Озиқа бирлигига тўғри келадиган хазм бўладиган протеин	133	132
6-12	Озиқа бирлиги	818,3	831,7
	1кг Озиқа бирлигига тўғри	148	148

	келадиган хазм бўладиган протеин		
12-18	Озика бирлиги	1039,9	1071
	1кг Озика бирлигига тўғри келадиган хазм бўладиган протеин	143	144

Ушбу жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, урғочи бузоқларни ўстириш мобайнида даврлар бўйича солиштирганда назорат гуруҳида туғилганидан 6 ойликкача 487,2 кг озика бирлиги сарфланган бўлиб, тажриба гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 5.2 кг оз.бир (1,1%) кам сарфланган. 6-12 ойлигида тегишли равишда 818,3 кг бўлиб 13.4 кг (1,6%) кам бўлган, 12-18 ойлигида 1039,9 кг бўлиб, 31,85кг (3.0%) кам бўлган.

3. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

3.1 Бузоқларни экстерьер, тирик вазни ва суткалик ўсиши.

Экстерьер хайвонни ташқи кўриниши эканлиги чорвачиликда қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам экстерьерига қараб хайвонларни қайси махсулот йўналишига эга эканлигини билиш мумкин. Айрим тана ўлчамларини кам ёки юқори бўлиши ҳам қайси махсулот йўналишига мансублигини билдиради.

Экстерьер конституциясига қараб тўғри баҳолаш наслчилик ишини ривожланишини таъминлайди.

Амалиётда наслчилик ишини тўғри йўлга қўйилши ҳайвонларни соғ ва мустаҳкам тана тузилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Зоотехника фанининг классиклари Е.А.Богданов (1923). Е.А.Кулешов (1937). М.И.Придорогин (1949) ва бошқалар доимо ҳайвоннинг экстерьер ва конституциясига катта аҳамият берганлар.

Ч.Дарвин (1938)ни кўрсатишича. эволюциянинг асосий ҳаракатланувчи кучи ва моллар зотини яхшиланишида атроф-муҳит (иқлим. озиклантириш, органларнинг машқи) ҳамда наслчилик ишларини тўғри йуналтиришдир.

М.Ф.Иванов (1949) ҳайвонларни баҳолашда конституцияни жуда катта аҳамияти борлигини кўрсатади. (Организмни барча тана қисмлари бир-бири билан узвий боғланган маъносида).Унинг кўрсатишича ҳайвонларни баҳолашда асосий талаб, унинг соғлиги ва конституциясидир. Тана тузилишига кўра қайси зотга ёки йўналишга мансублигини билиш мумкин дейди.

Агар ҳайвонда экстерьер бўйича зотга таълуқлиги ҳақида аниқ, белгилари кўриниб турса ўша зотни маҳсулот сифатини ҳам билса бўлади.

Е.А.Арзуманян (1984)ни белгилаб ўтишича, экстерьер ирсият билан боғланган ва у ҳайвонни ёши, семизлик даражаси ҳамда ташқи шароитлар таъсирида ўзгариб туради.

Н.П.Чирвинский (1891), А.А.Малигонов, Г.Ф.Расходов (1925), В.И.Федоров

(1973), К.Б.Свечин (1956), Дж.Хэммонд(1964), В.Л.Эктов(1965), Р.Т.Берг, Р.М.Беттерфильд (1970), Е.А.Новиков(1971), Дж.Х.Б.Рои(1982) ва бошқа олимлар ҳайвонларни эмбрионал ва постэмбрионал давларининг асосий қонуниятларини очиқ бериб, уларнинг кўрсатишича қишлоқ хўжалик ҳайвонларини хўжалик биологик белгилари зиготада тайёр ҳолда жойлашмаган, улар онтогенез жараёнида шаклланиб боради. Зиготадан то

организм тўлик шакллангача 2та бир-бири билан боғлиқ бўлган кўриниш ётади. Булар ўсиш ва ривожланишдир.

Хайвонларни ўсиш ва ривожланиши узвий боғланган, лекин бир-бирига ўхшамайди. Улар онтогенезни 2 томонлама кўринишидир. Ўсиш жараёнида ассимиляция натижасида тирик организм пайдо булла бошлайди. Ривожланиш жараёнида янги тўқималар, органлар ва клеткалар сифат белгилари ўзгара бошлайди.

Хайвонларни ўсиши тўғридан-тўғри озуқа меъёри ва озиқлантириш характериға ҳамда сақлаш шароитларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик хайвонларини тирик вазни махсулдорлик ва сифат кўрсаткичи бўлиб, унинг ўзгариши онтогенези жараёнида организмнинг ўсиш ва ривожланишида энг асосий кўрсаткич хисобланади. Биз кузатувдаги бузоқларни туғилганидан то 18 ойлигигача тирик вазнини ойлар бўйича тарозига тортиб ўргандик ва ушбу маълумотларни қуйидаги жадвал ва тасвирда келтирилган.

Жадвал-7

Бузоқларни ёши бўйича тирик вазни, кг (Носиров Б. маълумоти)

Ёш ой хисобида	Назорат гуруҳи	td	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳига солиштирганда	
	M±m		M±m	±кг	%
Туғилганда	26,2±0.28	4.33	28.5±0.47	+2.3	8.7
3 ойда	82.2±0.82	3.45	86.7±1,08	+4.5	5.4
6 ойда	143.4±1.40	3.55	150.5±1.49	+7.1	4.9
9 ойда	197.2±1.52	6.33	211,7±1.78	+14.5	7.3
12 ойда	242.1±1.89	6.01	258.4±2.02	+16.3	6.7
15 ойда	282.2±2.11	6.47	302.8±2.48	+20.6	7.2
18 ойда	319.5±2.33	6.79	341.1±2.26	+21.6	6.7

Ушбу 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тажриба урғочи бузоқларни туғилгандаги тирик вазни 28,5 кг ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 2.3 кг (8,7%) юқори вазнда туғилган. Урғочи бузоқлар ёшининг ортиши билан тирик вазни ҳам ортиб, ушбу кўрсаткичлар бўйича тажриба гуруҳидагиларнинг тирик вазни назорат гуруҳидагилардан фарки ҳам ошиб борган. Масалан 3 ойлигида 4.5 кг (5.4 %); 6 ойлигида 7.1 кг (4.9 %); 9 ойлигида 14.5 кг (7.3 %); 12 ойлигида 16.3 кг

(6,7%); 15 ойлигида 20.6 кг (7.2 %) ва 18 ойлигида 21,6 кг (6.7%) фарқ билан юқори бўлган. Агарда урғочи таналарни ёши бўйича тирик вазнини бушуев зот 1-класс андозасига солиштирсак 6 ойлигида назорат гуруҳидагилар зот андозасига тўлиқ жавоб беради. Тажриба гуруҳидагилар эса-10.5 кг (4.8%) юқори бўлган.

12 ойлигида назорат гуруҳидагилар 8.1 кг (2 %); тажриба гуруҳидагилар 14,7 кг (4.9); 18 ойлигида назорат гуруҳидагилар 13 кг (4%) кўп бўлди, тажриба гуруҳидагилар 24 кг (6.7) юқори бўлди.

Дурагай урғочи таначалар 12-18 ойлигида тирик вазни бўйича голланд зот 1- класс андозасига нисбатан 2-5 кг (1.2 %)юқори бўлди.

Хайвонларни тирик вазнида мутлок ўсишини кам ёки кўп бўлишида маълум бир даврда суткалик ўсишнинг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга. Чунки хайвоннинг ўсиш тезлиги организмга қабул қилинган тўйимли моддаларни қандай хазм бўлганлигига ва 1 кг ўсишга сарфланган озиқаларга боғлиқ бўлиб, молнинг физиологик етилганини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

Хайвоннинг тирик вазнини оширишда ўртача суткалик ўсиши хайвон ёши бўйича ҳам хар хил бўлади.

Кузатувдаги молларнинг ёши бўйича суткалик ўсиши қуйидаги жадвал ва тасвирда келтирилган.

Жадвал-8


Урғочи бузоқларнинг ёши бўйича суткалик ўсиши (грамм)
(Носиров Б.маълумоти)

Ёши ой ҳисобида	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳига нисбатан %
	M±m	Cv	M±m	Cv	
0-3	621±7.94	6.6	646±8.69	6.5	104.0
3-6	681±9.91	7.5	708±7.40	5.1	103.9
6-9	597±3.12	6.7	680±11.30	8.1	113.9
9-12	498±7.10	7.4	518±10.52	9.9	104.0

12-15	445±9.86	11.5	493±11.41	11.4	110.7
15-18	414±12.51	15.7	425±7.54	8.6	102.6
0-18	536±4.05	3.9	571±3.71	3.2	106.5

Ушбу жадвалдаи кўриниб турибдики ўртача суткалик ўсиш даражаси ҳар 2 гуруҳда ёшини 3-6 ойлик даврида юқори бўлди. (681-708 грамм), суткалик ўсиш даражасини энг паст кўрсаткичи 15-18 ойлигида (414-425 грамм) бўлди. Тажриба гуруҳидагиларни туғилгандан то 18 ойлигигача суткалик ўсишини назорат гуруҳига солиштирганда 35 грамм (6.5 %)га юқори бўлганлиги исботланди.

Мутлоқ ўсиш организмни пропорционал ривожланишини белгилаб, урғочи бузоқларни ёшини ортиши билан мутлоқ ўсиши ҳам ортиб борган. Шунингучун ҳам мутлоқ ўсиш молларни ўсиш даврида турли ойларда турлича бўлиши мумкин. Молларни ўсиш тезлигини ёши бўйича ошганлиги қон қуйиш усулида чатиштириб олинган дурагайларда қандай кечганлиги ва тирик вазнига нисбатан нисбий қанча миқдорда бўлганлиги аниқ ва бу маълумотлар қуйидаги жадвал ҳамда тасвирда келтирилган.



Тасвир: Кузатувдаги бузоқларни ёши бўйича тирик вазнини ўзгариши

Жадвал-9

Кузатувдаги урғочи бузоқларни нисбий ўсиши(%)


Ёши, ой ҳисобида	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳига таққосланганда	
	M±m	Cv	M±m	Cv	±	%
0-3	103.3±0.72	3.6	101.0±0.86	4.1	-3.3	97.7
3-6	54.2±0.60	5.8	53.8±0.51	4.6	-0.4	99.2
6-9	31.5±0.24	4.0	33.8±0.56	8.1	+2.3	107.3
9-12	20.4±0.23	6.0	19.8±0.39	9.7	-0.6	97.0

12-15	15.3±0.33	11.1	15.8±0.32	10.1	+0.5	103.2
15-18	12.4±0.35	15.0	11.9±0.24	10.2	-0.5	95.9
0.18	169.7±0.29	0.9	169.1±0.41	1.1	-0.6	99.6

Ушбу жадвал материалларидан кўриниб турибдики ҳар 2 гуруҳдаги молларда ўсиш турли даврларда турлича бўлган. Бузоқларни сут эмиш даврида (0-3) ойлигида ўсиш тезлиги юқори бўлган. Уларнинг пастлашиб бориши биринчи ойдан, яъни 103,3-101,0 дан то 15-18 ойгача 12% бўлди.

Кузатувдаги молларнинг ўсиш тезлигини пасайиши ёшининг ошиши билан организмда ўсиш жараёни дифференциясининг қарама қаршилигидир. Буни И.Шмалгаузен (1938) К.Б.Свечин, (1956) ўз ишларида исботлаб берган. Ёш пайтида организмни тез ўсиши дифференциянинг унчалик бўлмасли ва тескариси, ҳайвон қариган сари дифференция ўсиб боради, натижада уларнинг ўсиши секинлашади.

Тасвир: Кузатувдаги урғочи бузоқларни нисбий ўсиши



Кузатувдаги урғочи бузоқларни ўсиш тезлигини тасдиқлаш мақсадида уларни ёши бўйича тирик вазнини онасини тирик вазнига солиштириб ўрганилди ва ушбу маълумотлар қуйидаги 10 ҷадвал ва 5 тасвирда келтирилган

Ҷадвал 10

Урғочи бузоқларни тирик вазнини онасини вазнига нисбатан фоиз ҳисобида


Ёши, ой ҳисобида	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
	$M \pm m$	$M \pm m$
Туғилганда	5.9 ± 0.06	6.2 ± 0.10
3 ойлигида	18.4 ± 0.16	19.0 ± 0.19
6	32.1 ± 0.26	33.1 ± 0.29
9	44.1 ± 0.31	46.5 ± 0.35
12	54.2 ± 0.40	56.8 ± 0.46
15	63.2 ± 0.42	66.6 ± 0.48
18	71.5 ± 0.53	75.0 ± 0.51

Ушбу ҷадвалдан кўриниб турубдики 6 ойликдан сўнг тажриба гуруҳидагиларни назорат гуруҳига нисбатан фарқи кузга ташлана бошлаган.

Шунингдек дурагай моллар ёшлигиданоқ тана тузулиши яхши бўлган. Бу эса отасининг барча кўрсаткичлари авлодига ижобий таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб Бушуев зотли сигирларни голланд зоти билан қон қуйиш усулида чатиштирилганда олинган дурагайларда тана тузулиши гавдасига нисбатан пропорционал ривожланганлиги ва гўшт белгиларини ҳам яхши ривожланганлигини кўриш мумкин экан.

Тасвир: Урғочи бузоқларни тирик вазнини онаиснинг тирик вазнига нисбати, фоиз хисобида



3.2. Озуқани қўшимча олинган вазн билан қоплаш хусусияти

Озуқани қўшимча олинган вазн билан қоплаш хусусиятини билиш учун туғилгандан то 18 ойгача берилган озуқа миқдори ва олинган қўшимча вазн аниқлаб борилди. 18 ой мобайнида озуқаларнинг сарфланиши бўйича назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида катта фарқ кузатилмади. Ҳар 2 гуруҳга сарфланган озуқа миқдори яъни 1 кг ўсишига сарфланган озуқа миқдори ҳисоблаб топилди ва бу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 11.

Кузатувдаги бузоқларни ўсиш ойлари бўйича сарфланган озуқа миқдори

Ўши, ой ҳисобида	Гуруҳлар	Олинган қўшимча вазн, кг	1 кг ўсишига сарфланган озуқалар	
			Озуқа бирлиги, кг	Ҳазм бўладиган протоен миқдори, грамм
0-6	Назорат	117.2	4.06	0.54
	Тажриба	122.0	3.93	0.52
	± назорат гуруҳига нисбатан	+4.8	-0.13	-0.02
6-12	Назорат	98.7	7.97	1.18
	Тажриба	107.9	7.31	1.08
	± назорат гуруҳига нисбатан	+9.2	-0.66	-0.10
12-18	Назорат	77.4	11.48	1.64
	Тажриба	82.7	10.93	1.58
	± назорат гуруҳига нисбатан	+5.3	-0.55	-0.06
0-18	Назорат	293.3	7.33	1.04
	Тажриба	312.6	6.95	0.99
	± назорат гуруҳига нисбатан	+19.3	-0.38	-0.05

Дурагай бузоқларда ўсиш учун озуқаларни ейилиши яхши бўлди. Бузоқларни туғилганидан то 6 ойгача бўлган даврда тажриба гуруҳидагилар

назорат гурухидаги тенгдошларига нисбатан 1 кг ўсиши учун 0.13 озуқа бирлиги ва 20 грамм хазм бўладиган протоен миқдори кам сарфланди ва ушбу кўрсаткичлар 6 ойлигидан 12 ойликгача -0.66 ва 100, 12 ойликдан 18 ойликгача -0.55 ва 60 тегишлича бўлди. Бузоқларни 18 ой мобайнида ўстирганда дурагай бузоқларда тенгдошларига нисбатан 1 кг ўсиши учун 0.38 озуқа бирлиги (5,2%) ва 50 грамм (4.8%) хазм бўладиган протеин кам сарфланди.

Дурагай бузоқларда 1 кг ўсиши учун кам озуқа бирлигининг сарфланишини қуйидагича тушунтирилади. Яъни улар озуқаларни тенгдошларига нисбатан яхши хазм қилган натижада турли хил организм функцияларини нормал сақлашда озуқалар яхши хазм бўлган. Бундан ташқари уларда модда алмашинувининг жадаллашганлиги натижасида тўйимли озуқалар тез хазм бўлиб тўқималарни ўсишини таъминлаган.

Бузоқларни ўсиш ва ривожланиши давомида дурагай (бушуев х голланд) бузоқлар туғилгандан то 18 ой давомида тирик вазни бўйича тенгдошларига нисбатан ўртача 6.7 % , озуқани қўшимча олинган вазн билан қоплаш хусусияти бўйича 5.2% юқори бўлган.

Шундай қилиб бушуев сигирларини голланд буқалари билан қочириш натижасида олинган бузоқларни нафақат ўсиш тезлиги ва тирик вазнини юқори бўлишлиги, балки озуқани қўшимча олинган вазн билан қоплаш хусусияти ҳам юқори бўлар экан.

3.3 Урғочи бузоқларни тана ўлчамлари ва индекси

Д.А.Кисловский (1928), К.Б.Свечин (1961) ва бошқалар аниқлашича молларни ўсиш хусусиятларини аниқ характерлайдиган кўрсаткич, бу тирик вазнига нисбатан тана ўлчамлари ҳисобланади. Чунки тана ўлчамларига қараб тана тузилишини гавдасига нисбатан пропорционал ривожланганлигини билиш мумкин. Фақат тирик вазнига қараб тананинг пропорционал ривожланганлигини билиб бўлмайди.

Хайвонларни экстерьерига қараб қайси маҳсулот йўналишига ва қайси тип конститутциясига мансуб эканини билиш мумкин.

Е.А.Богданов (1947) нинг маълумотиға қараганда молларни ўсиш давлари бўйича тарозига тортиб ўрганиш шу давларда қанча ўсганлигини аниқлаб беради.

Шунинг учун тирик вазнини ўзгаришини ўрганишда тана ўлчамлари муҳим аҳамиятга эга. Вахоланки, тана ўлчами хайвонни массаси ҳақида маълумот беради. Айниқса энг асосий тана ўлчамлари молларнинг қандай ривожланаётганлигини билдиради.

Бизнинг кузатишимиз бўйича турли генотипдаги молларнинг ёши бўйича ўрганилгандаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 12

Назорат ва тажриба гуруҳидаги урғочи таналарни тана ўлчамлари, см

Тана ўлчамлари	$M \pm m$	C_v
Назорат гуруҳи		
3 ойлигида		
Яғрин баландлиги	87.2 ± 0.43	2.56
Думғаза баландлиги	92.1 ± 0.50	2.86
Кўкрак чуқурлиги	35.2 ± 0.20	2.98
Кўкрак кенглиги	19.2 ± 0.13	3.59
Чўққилар кенглиги	18.5 ± 0.13	3.78
Гавданинг қия узунлиги	86.8 ± 0.47	2.85
Кўкрак айланаси	100.2 ± 0.66	3.43
Поча айланаси	11.7 ± 0.08	3.93
Бошининг узунлиги	26.4 ± 0.17	3.37
6 ойликда		
Яғрин баландлиги	99.5 ± 0.63	3.58
Думғаза баландлиги	106.4 ± 0.65	3.20
Кўкрак чуқурлиги	43.9 ± 0.22	2.66
Кўкрак кенглиги	24.2 ± 0.16	3.55
Чўққилар кенглиги	28.1 ± 0.17	3.30
Гавданинг қия узунлиги	106.1 ± 0.62	3.04
Кўкрак айланаси	119.6 ± 0.67	2.92
Поча айланаси	13.3 ± 0.09	3.83
Бошининг узунлиги	31.7 ± 0.16	2.73
12 ойликда		

Яғрин баландлиги	111.6±0.68	3.19
Думғаза баландлиги	117.1±0.62	2.76
Кўкрак чуқурлиги	52.6±0.36	3.61
Кўкрак кенглиги	30.5±0.19	3.31
Чўққилар кенглиги	35.1±0.22	3.27
Гавданинг қия узунлиги	122.5±0.77	3.27
Кўкрак айланаси	145.1±0.87	3.11
Поча айланаси	14.8±0.11	4.18
Бошининг узунлиги	36.7±0.26	3.67
18 ойликда		
Яғрин баландлиги	118.1±0.78	3.44
Думғаза баландлиги	125.8±0.79	3.25
Кўкрак чуқурлиги	58.2±0.38	3.40
Кўкрак кенглиги	33.4±0.25	3.89
Чўққилар кенглиги	39.7±0.34	4.50
Гавданинг қия узунлиги	131.3±0.82	3.24
Кўкрак айланаси	160.7±0.93	3.01
Поча айланаси	15.5±0.14	4.90
Бошининг узунлиги	39.6±0.30	3.96

Тана ўлчамлари	M±m	Cv
Тажриба гуруҳи		
3 ойлигида		
Яғрин баландлиги	89±0.38	2.08
Думғаза баландлиги	93.9±0.41	2.17
Кўкрак чуқурлиги	37.2±0.21	2.84
Кўкрак кенглиги	20.6±0.14	3.34
Чўққилар кенглиги	19.9±0.14	3.56
Гавданинг қия узунлиги	89.9±0.48	2.63
Кўкрак айланаси	105.2±0.63	2.93
Поча айланаси	12.0±0.08	3.58
Бошининг узунлиги	27.4±0.19	3.35
6 ойликда		
Яғрин баландлиги	101.7±0.70	3.41
Думғаза баландлиги	108.7±0.72	3.27
Кўкрак чуқурлиги	46.3±0.24	2.73
Кўкрак кенглиги	26.0±0.19	3.73
Чўққилар кенглиги	30.2±0.18	2.91
Гавданинг қия узунлиги	109.7±0.70	3.14
Кўкрак айланаси	125.6±0.70	2.73

Поча айланаси	13.7±0.09	3.50
Бошининг узунлиги	33.0±0.19	2.81
12 ойликда		
Яғрин баландлиги	114.4±0.80	3.42
Думғаза баландлиги	119.8±0.76	3.12
Кўкрак чуқурлиги	55.7±0.38	3.35
Кўкрак кенглиги	32.9±0.18	2.82
Чўққилар кенглиги	37.8±0.25	3.25
Гавданинг қия узунлиги	126.9±0.83	3.23
Кўкрак айланаси	152.8±0.81	2.61
Поча айланаси	15.4±0.15	4.80
Бошининг узунлиги	38.2±0.27	3.56
18 ойликда		
Яғрин баландлиги	122.1±0.82	3.28
Думғаза баландлиги	129.7±0.86	3.25
Кўкрак чуқурлиги	61.8±0.43	3.41
Кўкрак кенглиги	36.2±0.32	4.41
Чўққилар кенглиги	43.1±0.34	3.94
Гавданинг қия узунлиги	136.6±0.86	3.10
Кўкрак айланаси	169.4±0.95	2.76
Поча айланаси	16.2±0.16	5.00
Бошининг узунлиги	41.3±0.34	4.06

Кузатувдаги бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши хусусиятларини яққол кўзга ташланиб туриши учун тажриба гуруҳдагиларнинг тана ўлчамларини назорат гуруҳига таққослаб нисбий кўрсаткичларини аниқладик ва бу маълумотлар куйидаги жадвал ва тасвирда келтирилган.

Жадвал 13

Тажриба гуруҳдагиларни назорат гуруҳига таққослаганда, % ҳисобида

Тана ўлчамлари	Ёши, ой ҳисобида			
	3	6	12	18
Яғрин баландлиги	102.2	102.4	102.7	103.8
Думғаза баландлиги	10.7	102.2	102.6	103.5
Кўкрак чуқурлиги	105.6	105.6	105.2	106.3
Кўкрак кенглиги	106.1	107.6	105.9	107.7
Чўққилар кенглиги	105.8	107.7	107.5	107.9
Гавданинг қия узунлиги	103.4	103.4	103.3	103.8
Кўкрак айланаси	105.0	105.6	105.5	106.2

Поча айланаси	102.5	102.2	102.7	103.1
Бошининг узунлиги	104.5	105.9	105.7	105.9

Ушбу 12 чи жадвал ва бнчи тасвирдан кўриниб турибдики дурагай моллар, бутун урчитиш мобайнида тана ўлчамлари бўйича назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан юқори бўлди. Агар 18 ойлигида тана ўлчамларини солиштирсак яғрин баландлиги бўйича 3.9 см (3,3%); думғаза баландлиги 3,9 см (3.4%); кўкрак чуқурлиги 3.6 см (6,1%); кўкрак кенглиги 2.8 см (7,7%); чўққилар кенглиги 3,4см (7,9%) ; гавданинг қия узунлиги 5,3см (3,8%); кўкрак айланаси 8,7см (5,8%); поча айланаси 0,7 см (3,3%): ва бошнинг узунлиги 1,7 см (3.8%) га юқори бўлганлиги кузатилди. Мана шундай тана ўлчамларини дурагай молларда соф бушуев зотли тенгқурларига нисбатан юқори бўлганлиги уларнинг бошқа ёшларда ҳам кузатилди.

Соф зотли ва дурагай молларни умумий тана тузилишига тўлиқ тавсиф бериш учун ўсишнинг турли даврларида тана индексини ҳисоблаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки молларнинг индексига қараб, гавдасини танасига нисбатан пропорционал ривожланганлигини билиш мумкин.

Индекс деб бир тана ўлчамини иккинчи бир тана ўлчамига бўлган нисбатини фоизда ифодаланишига айтилади.

Соф бушуев зотли ва уни дурагай (Бушуев х Голланд) тенгқурларини ёки бўйича экстерьердаги тана тузилиш индекси бўйича ўзгаришдаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 14

Кузатувдаги молларни ёши бўйича тана тузилиш индекслари (%)

Индекслари	$M \pm m$	C_v
Назорат гуруҳи		
3 ойликда		
Чўзилувчанлик	99,5±0,43	2,26
Зичлик	115,4±0,83	3.96
Кўкрак	54,5±0,34	3,32
Суякдорлик	13,4±0,11	4,51
Узуноёқлилиқ	59,6±0,31	2,73
6 ойликда		

Чўзилувчанлик	106,6±0,63	3,09
Зичлик	112,7±0,82	3,80
Кўкрак	55,1±0,48	4,51
Суякдорлик	13,3±0,11	4,61
Узуноёқлилиқ	55,8±0,43	3,99
12 ойликда		
Чўзилувчанлик	109,7±0,71	3,37
Зичлик	118,4±1,05	4,61
Кўкрак	58,0±0,57	5,15
Суякдорлик	13,2±0,16	6,34
Узуноёқлилиқ	52,8±0,42	4,12
18 ойликда		
Чўзилувчанлик	111,2±0,54	2,56
Зичлик	123,0±1,01	4,26
Кўкрак	57,4±0,57	5,15
Суякдорлик	13,1±0,14	5,64
Узуноёқлилиқ	50,7±0,42	4,35

Индекслари	M±m	Cv
Тажриба гуруҳи		
3 ойликда		
Чўзилувчанлик	101,0±0,49	2,37
Зичлик	117,0±0,81	3,40
Кўкрак	55,3±0,46	4,14
Суякдорлик	13,4±0,10	3,89
Узуноёқлилиқ	58,2±0,30	2,50
6 ойликда		
Чўзилувчанлик	107,8±0,65	2,96
Зичлик	114,5±0,95	4,08
Кўкрак	56,1±0,51	4,43
Суякдорлик	13,4±0,21	4,25
Узуноёқлилиқ	54,3±0,40	3,66
12 ойликда		
Чўзилувчанлик	111,3±0,65	2,88
Зичлик	120,4±0,95	3,87
Кўкрак	59,1±0,49	4,26
Суякдорлик	13,4±0,15	5,67
Узуноёқлилиқ	51,3±0,46	4,46
18 ойликда		
Чўзилувчанлик	111,9±0,69	3,02
Зичлик	124,0±0,72	2,86
Кўкрак	59,3±0,51	4,26

Суякдорлик	13,2±0,11	4,09
Узуноёқлилик	49,3±0,41	4,07

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики кузатувдаги хар иккала гуруҳдаги урғочи бузоқларни танаси гавдасига нисбатан пропорционал ривожланган. Бузоқларни экстерьерини шаклланишида ота томонидан таъсири кучли бўлган. Назорат гуруҳидагилар тажриба гуруҳидаги бузоқларга нисбатан кичикроқ бўлган. Дурагай бузоқлар эса кўкраги кенг, чуқур ва гавдаси чўзиқ бўлиб, бутун тана қисмлари компакт ривожланган. Буни чўзилувчанлик, зичлик ва кўкрак индексларида ёшининг барча даврларида кўриш мумкин. Суякдорлик индекси бўйича дурагай молларда фарқ унчалик бўлмасада, барибир суякларини нисбатан мустахкамлиги юқоридаги маълумотларда ўз нисбатини топган.

3.4 Кузатувдаги урғочи бузоқларни айрим клиник кўрсаткичлари.

Ҳайвон организми доимо ташқи таъсиротлар таъсирида бўлади. Уларнинг физиологик ҳолатига юқори ҳаво харорати ва бошва иқлим омиллари (масалан, ҳаво намлигининг жуда юқори ёки пастлиги) таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё шароитида ҳайвонларни физиологик ҳолатига организмни исиб кетиши натижасида иссиқ иқлим шароитига мослашмаган молларда махсулдорлигини ва пуштдорлик функцияларини пасайишига олиб келади.

Клиник кўрсаткичларини ўрганиш, касалликларни олдини олишда амалиётда эса ҳайвонларни хўжаликда фойдаланиш, уларни сақлаш, озиқаларнинг таъсири қандай кечаётганлигини билишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳайвонларни янги шароитга мослашишини билиш организмда бўлаётган кечинмаларни аниқлашда асосий критерий ҳисобланади.

Ҳайвонларни физиологик кўрсаткичларни билиш, уларни ўзгаришга таъсир этувчи омиллар, айниқса организмдаги модда алмашинуви жараёнларини аниқлашда ҳайвон соғлигини билишда муҳимдир.

У.Дюрст (1936)нинг маълум қилишича клиник кўрсаткичлар ўзгарувчан бўлиб, у ҳайвонни ёшига, жинсига, йилнинг мавсумига, озиқлантиришига, куннинг вақтига ва ташқи муҳитга боғлиқдир.

Юрак уриши ҳам клиник кўрсаткичлардан бўлиб, ҳайвон организмини умумий ҳолати қай ҳолатда эканлигини билдиради.

И.И.Шохор (1982) нинг аниқлашича юрак уриш 1 дақиқада 60-80 марта бўлиши, Л.С.Емельянов (1948)фикрича 97 марта бўлиши ўртача деб ҳисоблайдилар. Лекин ушбу муаллифлар ҳайвоннинг махсулдорлигини ёшини ва физиологик ҳолатини ҳисобга олмаганлар.

Энг муҳим клиник кўрсаткичлардан яна бири 1 дақиқада неча марта нафас олиши ҳисобланади.

А. А.Кудрявцев (1949) нинг маълумотича қорамолларда 1 дақиқада нафас олиш 28-44 марта, А.С. Емельянов (1948)нинг маълумотича 18-16 марта.

Иссиқ қонли ҳайвонларнинг (одмда ҳам) барчасида тана ҳарорати организмни ҳаётчанлиги даврида орган ва тўқималарга ҳароратни бериб туриш ва мунтазамлигини марказий нерв системаси орқали боғланиб бошқариб турилади.

Қорамолларда тана ҳарорати 37.5°C бўлса физиологик нормада ҳисобланади. Тана ҳарорати куннинг барча даврида доимо ўша нормада бўлади. Бунга кўпгина олимлар: ҳайвоннинг ёши, озиқланиши, буғозлик даври, соғим даври, ташқи муҳит ва бошқа омиллар таъсир этиб туради. Шунинг учун ҳам $37.5-39.5^{\circ}\text{C}$ да ўзгариб туради.

А.А Шитов (1949)нинг ҳисоблашича тана ҳарорати нормада $38,2-40^{\circ}\text{C}$ гача ўзгариб туриши мумкин. К.Р.Викторов (1939)нинг маълумотича қорамолларда тана ҳарорати нормада $37,5-39.5^{\circ}\text{C}$ бўлади дейилган.

Е.А.Арзуманян (1950)нинг фикрича қорамолларнинг клиник кўрсаткичлари, уларнинг тирик вазни билан кам миқдорда боғлиқ. Лекин кўпинча молнинг семизлик даражасига боғлиқ деб ҳисобланади. Семизлиги ўртадан пасп бўлган молларда юрак уриши ва нафас олиши семизлик даражаси олий даражада бўлганларига нисбатан паст бўлади. В.И.Якушев (1953) нинг маълумотича қорамолларнинг ўртача суткалик тана харорати 0.7°C дан кўп миқдорда фарқ бўлмайди.

Кузатувдаги моллар организмини ташқи муҳит шароитига мослашиш даражасини билиш мақсадида уларнинг тана харорати, юрак уриши ва нафас олишини ҳар 2 гуруҳда уларнинг ёшини 6 ойлигида (ёзда), 12 ойлигида (қишда) ва 18 ойлигида (ёзда) ўрганиб чиқилди ва ушбу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 15

Кузатувдаги бузоқларни клиник кўрсаткичлари.

Кўрстакичлар	Суткалик вақти	Ҳаво харорати (с°)	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
			M±m	Cv	M±m	Cv
6-ойликда (ёзда)						
Тана харорати (с°)	Эрталаб	21,8	38,7±0,12	0,72	38,6±0,11	0,66
	Куннинг ярмида	37,6	38,9±0,13	0,74	39,0±0,15	0,90
Юрак уриши (1 дақиқада)	Эрталаб	21,8	74,4±1,97	5,90	78,0±1,92	5,51
	Куннинг ярмида	37,6	82,6±2,02	5,44	88,2±2,27	5,73
Нафас олиши (1 дақиқада)	Эрталаб	21,8	27,8±1,32	19,57	29,2±1,39	10,65
	Куннинг ярмида	37,6	36,4±1,89	11,56	38,6±1,81	10,44
12 ойликда (қишда)						
Тана харорати (с°)	Эрталаб	-5,2	38,5±0,11	0,64	38,5±0,13	0,76
	Куннинг ярмида	6,1	38,6±0,11	0,64	38,6±0,13	0,75
Юрак уриши (1 дақиқада)	Эрталаб	-5,2	70,8±1,77	5,59	74,0±1,97	5,95
	Куннинг ярмида	6,1	75,0±1,70	5,06	79,2±2,17	6,13
Нафас олиши (1 дақиқада)	Эрталаб	-5,2	30,0±1,26	9,40	31,8±1,43	10,03
	Куннинг	6,1	33,2±1,20	8,07	35,4±1,36	8,58

	ярмида					
18 ойликда (ёзда)						
Тана харорати (с°)	Эрталаб	22,4	38,7±0,12	0,61	38,7±0,13	0,72
	Куннинг ярмида	40,2	38,9±0,13	0,63	39,0±0,14	0,74
Юрак уриши (1 дақиқада)	Эрталаб	22,4	73,7±1,58	5,48	77,0±1,77	5,67
	Куннинг ярмида	40,2	75,9±1,64	5,39	79,7±1,69	6,12
Нафас олиши (1 дақиқада)	Эрталаб	22,4	32,1±1,17	9,42	34,1±1,19	9,14
	Куннинг ярмида	40,2	33,9±1,14	8,87	36,1±1,17	8,92

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тана харорати, нафас олиши ва юрак уришлари бўйича гурухлар ўртасидаги фарқ унчалик юқори эмас.

Демак, келтирилган маълумотлар бўйича ёздаги юқори хаво харорати ва қишдаги паст хаво харорати ҳар 2 гуруҳдаги молларга тана хароратининг ўзгаришига таъсир кўрсатмади.

Ушбу кўрсаткичлар йилнинг мавсумларида ҳам физиологик нормада бўлди.

Дурагай молларда эрталаб юрак уриши 6 ойлигида тенгдошларига нисбатан 3,6 марта (4,8%)га юқори бўлди, куннинг ярмида 5,6 мартага (6,6%)юқори бўлди. Нафас олиши эса эрталаб 1,4 мартага (5,0%). куннинг ярмида эса 2,2 мартага (4%) кўп бўлди. 18 ойликда ушбу кўрсаткичлар бўйича гурухлар ўртасидаги фарқ янада камайиб борди. Масалан: юрак уриши эрталаб дурагайларда эрталаб тенгдошларига нисбатан фарқ 3,3 мартага(4,4%). куннинг ярмида 3,8 мартага (5,0%) юқори бўлди холос, лекин нафас олиши 18 ойлигида (ёзда) дуругайларда тенгдошларига нисбатан эрталаб 2 марта (6,2%)га, куннинг ярмида 2,2 мартага (6,4%) юқори бўлишлиги тўқималарда кечаётган оксидланиш жараёнларини жадал бўлиши натижасида кислородга бўлган талабни кучайиши ҳисобланади.

Мана шундай унчалик юқори фарқ бўлмаган физиологик кўрсаткичларни ўзгаришини Ўзбекистонда зебусимон молларни швиц зоти

билан дурагайларини П.Л.Мавлонов(1966) ҳам аниқлаган .Олимнинг фикрича дурагайлар қуруқ иссиқ иқлим шароитига юқори даражада мослашганлигини эътироф этган.

Юқори ҳаво ҳароратида нафас олишнинг тезлашуви организмнинг мосланувчанлик реакциясининг битта формаси ҳисобланади.

Ю.И Раушенбах (1953) ўзининг илмий тадқиқот ишларида кўрсатишича Ўзбекистондаги маҳаллий молларни юқори ҳаво ҳароратига чидамлилиги теридан тенил жуда кўп чиқиши ва нафас олишининг тез-тез бўлишидир. Шунда жадал иссиқлик бериш таъминланади. Нафас олиш йўлининг юқори қисмида намлик парланади. Тез тез нафас олиш нафас чиқариш ҳажмини 25-30%гача қисқартиради.

Четдан келтирилган Голланд зотли қорамоллар ва бошқа зотлар тез тез нафас олсада нафас чиқариш ҳажми ўзгариб қолади ва натижада ўпкадаги ҳаво миқдори ошади. Тер ажралиб чиқиш иссиқ шароитда маҳаллий молларда 65-70%гача кўтарилади. Бу уларда тер безларининг миқдорини яхши ривожланганлиги билан боғлиқдир, тер ажралиб чиқиш меъёри яхши даражада.

Шунинг учун маҳаллий молларда иссиқлик алмашинувининг юқори бўлиши натижасида организмда терлаш ҳолатлари кузатилмайди. А.А Атбашян (1968) Бушуев ва қора ола зотли молларни физиологик кўрсаткичларини ўрганиб хулоса қиладики оқ жун қоплами пигмент билан бирга кўшилиб Бушуев зотли молларни иссиққа чидамлилигини 2 марта оширади, қуёш нури ютилмайди, теридаги оқ пигмент орқали терига иссиқлик бериш енгиллашади. Шунинг учун организмга кираётган ва чиқаётган иссиқлик меъёрида бўлади. Ушбу илмий тадқиқот ишларини Е.А Арзуманьян (1954) ҳам тасдиқлаб, терининг ранги ва туси молни ташқи шароитга мосланувчанлигини белгилайдиган белги ҳисобланади дейди.

Шундай қилиб молларнинг юрак уришини 64-83 марта бўлиши ва нафас олишининг 23-38 марта бўлиши организмни кўп ёки кам зўр бериб ишлаши маълум миқдорда маҳсулот беришини таъминлайди.

Тана хароратини, юрак уришини ва нафас олишини систематик равишда аниқлаб туриш молнинг соғлигини билишга ва юқори миқдорда маҳсулот олишга замин яратилган бўлади.

3.5. Тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Ҳар қандай мақсадли ўтказилган тажрибани охириги натижаси иқтисодий самарадорлик билан белгиланади. Иқтисодий самарадорлик эса олинган маълумотларга асосланиб, анализ қилиниб, ишончли хулосалар асосида амалга оширилади. Иқтисодий самарадорликни аниқлашда ҳайвоннинг ёши, зоти, озиклантириш ва сақлаш шароити, молларни боқиш технологиялари каби элементлар ҳисобга олинади. Энг асосийси молларни маҳсулдорлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган озуқа миқдори, умумий харажатлар, шу жумладан озуқага сарфланган харажатлар, олинган умумий даромад, ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннархи бир йилга бир бош ҳисобига ҳисобланиб топилади.

Бизнинг тадқиқотимизда дурагай урғочи бузоқларни асосий иқтисодий кўрсаткичлари соф Бушуев зотли тенгқурларига нисбатан анча юқори бўлди ва ушбу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 16

Урғочи бузоқларни ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги (1 бошга)

т/р	Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳига нисбатан % ҳисобида
1	Бир бошга сарфланган жами харажатлар, сўм Шундан озукалар учун, сўм	2140210 1498147	2012485 1408739	93.4 94.0
2	Бир бошдан олинган қўшимча тирик вазн, кг	293.3	312,6	106.6
3	1 центнер маҳсулотни			

	таннархи, сўм	729699	643789	88.2
4	1кг махсулотни сотиш баҳоси, тирик вазни, сўм	8000	8000	-
5	Олинган жами даромад, сўм	2346400	2500800	106,6
6	Соф фойда, сўм	206190	488315	236.8
7	Рентабеллик даражаси %	9.6	24,2	-

Изоҳ: Сирдарё вилоятида 1 кг тирик вазндаги нархи 8000 сўм

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 1 бош дурагай (Голланд х Бушуев) урғочи бузоқдан 18 ой мобайнида 312,6 кг қўшимча вазн олинган ёки тенгқурларига нисбатан 19.3 кг (6,6%) кўп вазн олинган. Бир бош дурагай урғочи танадан тирик вазнда 2500800 сўм даромад олинган. Ушбу кўрсаткични тенгқурларига солиштирганда 1 бошга 154400 сўм кўп даромад олинган. Соф фойда дурагай бузоқларда 488315 сўмни ташкил этиб, соф Бушуев зотли тенгқурларига нисбатан 282115 сўм (136.8%) юқори бўлган. Рентабеллик даражаси тажриба гуруҳидагиларда 24,2% ни ташкил этиб, тенгқурлари бўлмиш назорат гуруҳига нисбатан 14,6% юқори бўлган. 1 центнер махсулотни таннархи тажриба гуруҳидаги молларда 643789 сўмни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 85910 сўмга (11,8%) кам бўлган.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар бўйича куйидаги хулосаларни келтирамиз.

Соф Бушуев зотидан олинган дурагай (Бушуев х Голланд) урғочи бузоқлар бир хил шароитда ва бир хилда озиклантирилганда ўсиш даври мобайнида ёшининг барча давларида уларнинг ўсиш тезлиги ва тирик вазнн тенгқурларига нисбатан юқори бўлди.

1. Дурагай урғочи таналарни 18 ойлигида тирик вазни 312.6 кгнн ташкил этиб тенгқурларига нисбатан 19.3 кг (6,6%) юқори бўлди.

2. Дурагай урғочи бузоқларни туғилгандан то 18 ойгача ўстирилганда суткалик ўртача ўсиши 571 граммни ташкил этди ва тенгқурларига нисбатан 35 граммдан (6,5%) юқори ўсганлиги кузатилди.

3. Бушуев зотли сигирларни Голланд зоти билан чатиштириб олинган авлодларида танаси гавдасига нисбатан пропорционал ривожланганлиги уларнинг кўкраги кенг, чуқур ва гавдаси чўзик бўлиб бутун тана қисмлари компакт ривожланган. Дурагай молларда чўзилувчанлик зичлик ва кўкрак индекслари ёшининг барча давларида тенгдошларига нисбатан юқори бўлган.

4. Дурагай молларни 18 ой мобайнида ўстирилганда бир бошга 2172,0 кг озиқа бирлиги сарфланиб, бир кг ўсиши учун 6,95 кг озиқа бирлиги сарф бўлган ёки тенгқурларига нисбатан 0,38 озиқа бирлигида (5.2%) кам озиқа сарфланган.

5. Тажрибадаги хар 2 гуруҳдаги таналарни оёқлари калтароқ, орқаси ва бели кенг, думғазаси тўғри хамда кенг, бўйни нисбатан қисқароқ, кўкрак кафаслари кенг ва чуқур, сон мускуллари яхши ривожланган.

6. Дурагай урғочи бузоқларни 18 ойликкача ўстирилганда, тенгқурларига нисбатан 19,3 кг (6,6%) кўп вазн олиш мумкин экан. Соф фойда эса 282115 сўм юқори бўлиб, 1 центнер махсулотни таннархи 85910 сўмга (11,8%)га кам бўларкан. Рентабеллик даражаси эса 14,6% га юқори бўлар экан.

Амалий таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг чўл зоналарида бузоқларни суткалик ўсиш тезлигини ошириш мақсадида озуқа базаси юқори бўлган фермер хўжаликларида биринчи бўғинли дурагай моллардан (бушуев х голланд) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.
2. Бушуев зотли молларни махсулдорлигини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида келажакда наслчилик ишларини режасини тузганда қизларининг сифат кўрсаткичлари бўйича баҳоланган голланд буқаларидан 1 марта фойдаланиш таклиф этилади. Яъни чатиштиришнинг “қон қуйиш” усулини қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ислохатларини чуқурлаштириш йўлида. Тошкент,. 1996 йил
2. Каримов.И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш муҳим вазифамиз. Тошкент, 1999. йил.
3. "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида" ги ПФ-3342 сонли фармони 27-октябрь 2003 йил.
4. “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 308 сонли қарори. 23-март 2006 йил
5. Акмалханов Ш.А. Состав и свойства молока некоторый пород скота и товарного молока в Ташкентской области: Автореф. Дисс. канд. с-х наук М.,1961 -18с
6. Акмалханов Ш.А. “Чорвачилик самарадорлигини ошириш омиллари” Тошкент. Ўзбекистан, 1984,28-37б
7. Арзуманян Е.А. “Основы интерьера крупного рогатого скота” (на примере тагильского скота и его помесей) М: Селхозгиз. 1957-72 с.
8. Атбашян А.А. Выведения бушувской молочной породы скота.- Тошкент: Фан, 1968.-223с
9. Меркурьева Е.К. Биометрия в селекции и генетике сельскохозяйственных животных.-М.:Колос,1970.-423с
10. Мустафаев А.М. Совершенствуем бушувскую породу. //Ж.молочное и мясное скотоводство.-1980.-№9.с.40-41
11. Недова В.Е., Стрикало Ю.П.Методика контрольных дней учета кормления оплаты корма молоком //докл.ВАСХНИЛ.-1971.-№10.с.24-25

12. Нортаджиев М. Изучение роста, развития и мясных качеств молодняка бушуетской и черно-пестрой пород в условиях Голодной степи: Автореф. Дисс.канд. С-х.наук.-Ташкент, 1961.-21с
13. Ибрагимов С.С Рост, развитие и естественная резистентность молодняка бушуетской и помесей голштинской с черно-пестрой пород при направленном выращивании. Автореф.канд.дисс, Ташкент,1991,с.10-23
- 14.Каххаров А.К., Жовлиев О.Ч Набиев Ш.Х. Хар хил махсулдор йўналишдаги навосларнинг сўқимланиш хусусиятлари ва гўшт махсулдорлиги Сам.ҚХИ.илм.тўплами. Самарқанд 1996. 64-67 б.
15. Скоркина И.Качество мяса бычков различных генотипов. Ж.Молочное и мясное скотоводство. 2004 №3 14-15с.
- 16.Свечин К.Б. Рост и развитие сельскохозяйственных животных. Киев: Госсельхоз издат. 1966, 214 с.
- 17.Сидорович В.А. Адаптационные особенности и влияние голландской породы на совершенствование черно-пестрого скота Белоруссии: Автореф. дисс. канд. с-х.наук. Тарту, 1981.23 с.
- 18.Фёдоров В.И. Рост, развитие и продуктивность животных. М.Коллос, 1973.272с.